VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

4 (325) ● 2015 йил 28 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўтказаётган тадбирларда миллий қадрият ва анъаналаримизни асраш, уларни улғайиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Самолёт салонида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" деган сўзларни эшитишим билан она Ватанимнинг қадрдон қиёфаси кўз ўнгимга келди. Боиси миллий авиакомпаниямиз самолётларига чиққан йўловчилар қулай, шинам муҳитга тушади



4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Нурота каштачилик мактаби давомчиларидан бири бўлган Рухсора Тўрақулованинг қўл меҳнати ва қалб қўри самараси бўлган нақшинигор каштачилик маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта



8 КЎЗГУ

Конференция







## ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида

**муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик бошланди**

***Жорий йилнинг 29 март куни мамлакатимиз ҳаётида яна бир муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига қизғин ҳозирлик ишларини бошлади. Мазкур йирик сиёсий жараён аҳолининг юксак фаоллиги ва уюшқоқлиги асосида ўтказилиши фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган сайлаш ҳуқуқларининг амалда таъминланишига хизмат қилади.***

Энг муҳими, сайлов партиямиз салоҳиятини яна бир бор амалда намоён этиш, жамият тараққиётининг барча жабҳасини қамраб олган мукаммал ва халқчил дастурий вазифаларини кенг жамоатчиликка чуқурроқ таништириш имконини беради. ЎзМТДП фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги янги таркибдаги партия гуруҳлари иштирокида бўлиб ўтаётган анжуманларда сайловга тайёргарлик кўриш ва фаол иштирок этиш, вилоят Кенгаши конференциясига делегатлар сайлаш ва ташкилот фаолиятига алоқадор бошқа масалалар ўрин олди.



**ЖИЗЗАХ.** Партиямизнинг Арнасой туман Кенгаши конференциясида ЎзМТДП туман Кенгаши раиси Муҳиддин Нарзуллаев 2014 йил 26 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангани ҳақида сўз юритар экан, ушбу сайлов мамлакатимизда демократик қадриятларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда янги босқични бошлаб беришини таъкидлади. Партия туман Кенгаши томонидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги Пленумида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар режаси"га мувофиқ, ишларни уюшқоқлик билан, тизимли ва изчил олиб бориш лозимлигини қайд этди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, аҳолининг сиёсий билим ва савиясини ошириш, фаол фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, электорат манфаатларини таъминлаш, шу билан бирга, партия сафини сиёсий етук, ташаббускор, ғояларимиз рўёбига ишонган фуқаролар ҳисобига кенгайтириб бориш ЎзМТДП Арнасой туман Кенгаши фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

3-бет

Муносабат

## Миллий манфаатлар ҳимояси — бош мақсадимиз

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатимизда демократикислоҳотларни янада чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш юзасидан долзарб вазифаларни белгилаб берганлиги билан муҳим аҳамият касб этди.***

Президентимиз томонидан Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида Ватанимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраш, Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши каби эзгу мақсадларни амалга оширишда ҳар бир депутат курашчи бўлиши лозим, деган фикрларини фаолиятимиз асоси сифатида қабул қилдик.

Демократик ва очиқ тарзда бўлиб ўтган сайлов натижасида "Миллий тикланиш" демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 36 та депутатлик ўрнини қўлга киритди. Сайловдаги натижаларимиз замирида **"Юксак маънавият — енгилмас куч"** ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ғояси ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Президентимиз таъкидлаганидек, энг муҳими, **"биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз. Биз учун доимо ягона ва устувор мақсад — бу Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир"**. Ҳеч қачон долзарблигини йўқотмайдиган ана шу сўзлар партиямиз дастурида асосий ғоя сифатида ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари маърузасида белгиланган вазифалар Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтариши шак-шубҳасиздир. Айни пайтда маърузада сиёсий партиялар ва депутатларнинг фаолияти жуда жиддий, ҳаққоний танқидий таҳлил қилинди. Ушбу танқидий фикрлар асосида бутун фаолиятимизни чуқур таҳлил қилиб, зарур чора-тадбирларни белгилаб олмоқдамиз.

2-бет

29 март — сайлов куни

## Сайлов жараёни очиқлиги ва ошкоралиги таъминланади

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш тўғрисида битимлар имзолади.***

Сайловларнинг очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Оммавий ахборот воситалари "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддаси ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайлов жараёнини кенг ёритади.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ўтган йиллардаги сайлов кампаниялари, айниқса, 2014 йилги парламент сайлови мобайнида Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўпланганини таъкидлади.

Битимлар сайлов тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддалари, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар ва сайлов жараёнини тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган.

Имзоланган битимларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб бориш мақсадида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш борасида кенг ва тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор берилади. Сайловолди дастурларининг мазмуни ва мамлакатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим масалалари бўйича ўз нуқтаи назарини сайловчилар ва жамоатчилик эътиборига етказиш учун тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратилади.

Томонлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига оид ахборотларни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси теле ва радиоканаллари, мамлакатимизнинг етакчи ахборот агентликлари ва босма оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида тарқатиш борасида ҳамкорлик қилади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

Маҳаллий Кенгашларда

## Ютуқлар масъулиятни ҳам оширади

4-бет




Марказий сайлов комиссиясида

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатини шакллантириш якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.***

## Тайёргарлик қизғин тус олмоқда

Унда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов миллий қонунчилигимиз талаблари ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ сайловга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилаётганини таъкидлади.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Муносабат

# Миллий манфаатлар ҳимояси — бош мақсадимиз

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Биз бугун шуни чуқур англаймизки, янги сайланган депутатларимиздан янада ташаббускор ва масъулиятли бўлиш талаб этилади. Чунки, маърузада олдимизга қўйилган устувор вазифалар замирида, энг аввало, Ўзбекистонимизнинг миллий манфаатлари, халқимиз фаровонлиги ва қадр-қиммати, ғурури мужассамдир. Ана шулардан келиб чиқиб, фракциямиз асрлар синовидан ўтган, халқимизнинг маънавий камолотини таъминлаган қадриятлар ва миллий манфаатларимизни муҳокама қилинаётган барча қонунларда акс эттириш учун кураш олиб боради.

Президентимиз Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида яқин тарихимизда рўй берган воқеалар хусусида алоҳида тўхталди. Мустақилликка эришиш, миллий тараққиёт ўз-ўзидан бўлмаганлигини, қанча синовлар, курашларни бошимиздан кечирганлигимизни бугунги ва келажак авлодларга етказиш лозимлиги таъкидланди. Ушбу масалани миллий манфаатларимизга бевосита дахлдор деб ҳисоблаймиз ва шунинг учун фракциямиз ва партиямиз келгуси фаолиятида бу соҳага асосий эътибор қаратади.

Энг муҳими, маърузада илгари сурилган ғоялар, парламент ва сиёсий партиялар фаолиятини тубдан кучайтириш борасидаги вазифалар партиямиз ва фракциямизнинг доимий диққат марказида бўлади.

**Сарвар ОТАМУРАТОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси, фракция раҳбари**

* * *

***Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси янги таркибда шаклланган парламентнинг келгуси фаолияти учун муҳим дастуриламал бўлди. Ҳар бир депутат парламент фаолияти бўйича билдирилган танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар, олдимизга қўйилган вазифалар моҳиятини чуқур англаган ҳолда фаолият кўрсатиши лозим.***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислоҳотлар жараёнида Қонунчилик палатаси депутатларининг ўрни ва роли муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар туфайли парламентнинг ўрни янада мустаҳкамланди, вазифалари кўлами кенгайди.

Бугунги кунда қонун чиқарувчи орган нафақат қонун ижодкорлиги, балки назорат функциясини амалга ошириш ваколатига ҳам эга. Президентимиз, «Конституциявий ислоҳотлар нуқтаи назаридан Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилиши лозим», дея таъкидлади. Дарҳақиқат, кўп сонли сайловчиларнинг ишончини қозониб, халқ вакили сифатида Қонунчилик палатасида иш бошладикми, аҳоли манфаатлари ва фаровонлигига хизмат қилувчи мукаммал қонунларни ишлаб чиқиш, давлат бошқаруви органлари томонидан қонунчилик талабларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш кундалик фаолиятимиздаги энг муҳим вазифа бўлиши керак. Шунингдек, юзма-юз мулоқотларда сайловчиларни ўйлантираётган масалалар билан қизиқиш, уларни атрофлича ўрганиб, тегишли давлат бошқаруви органларига депутатлик сўрови юбориш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитишда ҳамиша ташаббускорлик кўрсатишимиз лозим.

Маърузада ўтган беш йил давомида бу борада етарлича саъй-ҳаракатлар амалга оширилмагани танқид қилинди.

Мухтасар айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолияти юзасидан билдирилган барча фикрлар, танқидий таҳлиллар биз депутатларни янада фаолликка, ташаббускорликка, шунингдек, доимо изланиш, янгиликка интилиб яшашга ундади. Яна шундай хулосага келдикки, келгуси беш йил давомида қонунчилик фаолияти сифатини оширишга интилишимиз, бу жараёнда партиямиз позицияси ва электоратимиз манфаатларини кўзда тутмоғимиз лозим.

**Алишер ҲАМРОЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

* * *

***Истиқлол йилларида Ватанимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда оламшумул, жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётган ютуқларга эришди ҳамда халқаро майдонда юксак обрў-эътибор қозонди. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар қўйди.***

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда мамлакатимиз миллий қонунчилигида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, миллий ва халқаро ҳуқуқий нормалар инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, қонун устувор бўлган жойдагина ривожланиш ва тараққиёт бўлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасида ўтган беш йил давомида 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганини таъкидлади. Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида 27 та қонун қабул қилингани ҳамда амалиётга татбиқ этилаётгани демократик ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Президентимиз парламент фаолиятини замон талаблари асосида тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш борасида таъкидлар экан, бу борада ўтган даврда йўл қўйилган камчилик ва хатолар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтди, қатор факт ва рақамлар асосида ҳуқуқни қўллаш амалиётида эътиборсиз қолдирилаётган жиҳатлар, депутатларнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги борасида танқидий-таҳлилий фикрлар билдирди. Парламентнинг ўтган даврдаги фаолиятини таҳлил қилиш асносида олдимизда турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, янги таркибда иш бошлаган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари келгуси фаолиятида қонун ташаббускорлигига жиддий эътибор қаратиши, шу билан бирга уларнинг нормаларини амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиши, қонунларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ўрганиб, назорат-таҳлил ишларини олиб бориши зарур. Шунингдек, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари муҳокамасига тегишли мутахассислар ва экспертларни жалб этиш, қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан қиёсий таҳлил қилиш, бу борада демократик давлатларнинг тажрибасини ўрганиш лозимлиги зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Шу ўринда эътироф этиш керакки, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда биз депутатлардан юксак салоҳият, билим ва малака, масъулият ҳамда ташаббускорлик талаб этилади.

**Козим ТОЖИЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

* * *

***Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини тинглаб, депутат бўлиш нақадар катта масъулият эканини, халқ ишончини оқлаш энг устувор мақсадимиз бўлишини яна бир бор ҳис этдим. Юртбошимизнинг ушбу маърузаси биз депутатларга ҳам катта руҳ бағишлади, ҳам беш йиллик фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.***

Айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари одамлар орасида, уларнинг ўй-ташвишлари, мақсад-муддаоларидан хабардор бўлади. Демак, қонун лойиҳалари, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқларига бевосита дахлдор бўлган қонунчилик ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик институти вакилларини кенг жалб этишда улардан ҳам фаоллик, ташаббускорлик талаб қилинади. Қолаверса, қонунлар моҳиятини халққа етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада оширишда, айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари жонбозлик кўрсатишлари зарур. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, қабул қилинаётган қонунлар ижросини ўрганиш мақсадида депутатлик сўровлари, депутатлик назорати, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш каби ваколатлардан унумли фойдаланиш ижобий самара беради. Қонунларнинг назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш, янги қабул қилинаётган қонунларнинг реал ҳаётга қанчалик ижобий таъсири борлигини ўрганишда парламентдаги фракциямиз аъзоларига яқиндан кўмаклашиш, улар билан самарали ҳамкорлик олиб боришимиз зарур, деб ўйлайман.

Шунингдек, маҳаллий вакиллик органларида партия нуқтаи назарини ифода этиш, бошқа сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари юзасидан баҳс ва рақобат муҳитининг бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнда барча ЎзМТДП гуруҳлари партия сайловолди Платформасида илгари сурилган вазифаларни амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилишда жонкуярлик билан ҳаракат қилиши талаб этилади.

**Зокиржон ТОЖИБОЕВ,**
**халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Марказий сайлов комиссиясида

# Тайёргарлик қизғин тус олмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Мамлакатимиздаги тўрт сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш истагини билдирди ва шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тўпламини тақдим қилди. Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилигига мувофиқ, тақдим қилинган ҳужжатлар асосида барча сиёсий партияга сайловда иштирок этиш учун ижозат берди. Айни пайтда сиёсий партиялар имзо тўплаш ишларини олиб бормоқда. Сайлов қонунчилигига кўра, сайловчилар умумий сонининг камида 5 фоизининг имзоси тўпланган тақдирдагина партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган ҳар бир маъмурий ҳудудда тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим. Мазкур жараён 12 февралгача давом этади.

Қайд этилганидек, Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округлари тузилди ва ҳудудий Кенгашлар тавсиялари асосида округ сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Округ сайлов комиссиялари аввалги сайловларда амалий тажриба тўплаган, обрў-эътиборли кишилардан иборат таркибда шакллантирилгани таъкидланди. Округ сайлов комиссиялари таркиби, манзили ва телефон рақамлари тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар, Олий Мажлис Сенатини шакллантириш якунлари тўғрисида ахборот берилди. Таъкидлаш жоизки, янги таркибда шаклланган Сенат аъзоларининг 17 нафари Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакилларидир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Жараён

# Имзо тўплаш

## ишлари амалга оширилаяпти

***Сайлов — ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатимизда демократик сайловларни ўтказиш бўйича халқаро сайлов стандартларига тўла мос келадиган ва фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин билдириш имконини берадиган ҳуқуқий асослар яратилган. Бу эса сайловларнинг фаол, очиқ-ошкора ва транспарентлик руҳида ўтишига хизмат қилаётир.***

Бугун мамлакатимизда мана шундай муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнининг муҳим босқичида бўлиб ўтаётган сайловга тайёргарлик ишлари қизғин. Бу жараён қонунчилик талаблари ва Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ олиб борилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг $24^2$-моддасига кўра, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи мамлакатимиз жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини тўплаши лозимлиги белгиланган.

Айни кунларда сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг сайловчилар имзосини тўплаш жараёни давом этмоқда. Сайловнинг муҳим ва ҳал қилувчи босқичи ҳисобланган бу жараён Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ҳам қонун талабларига мувофиқ тарзда ўтказилмоқда.

— Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловчилар имзосини тўплаш учун имзо варақалари берилганидан сўнг, ЎзМТДП ташкилотларида имзо тўплаш жараёни бошлаб юборилди, — дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бўлим бошлиғи Дилбар Рашидова. — Айни кунларда бу жараён қизғин паллага кирди. Имзо варақаларини тўлдириш тартиби ва бу борада қатъий амал қилиниши лозим бўлган жиҳатлар сайловчиларга тушунтирилмоқда. Қонунчиликка мувофиқ, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилмоқда.

— Имзо варақаларини тўплаш бўйича вилоят партия ташкилотимизнинг йиғилиши ўтказилди, — дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби Нилуфар Эргашева. — Йиғилиш қарорига асосан, партия туман ва шаҳар Кенгашларига имзо варақалари топширилиб, мазкур жараённинг қонунчилик талаблари асосида ўтказилиши бўйича тегишли тавсиялар берилди. Сайловчилар имзосини тўплашда бошланғич партия ташкилотларининг хизмати катта бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП ташкилотлари шу кунларда сайлов кампаниясининг ҳал қилувчи босқичи — сайловчилар имзосини тўплаш жараёнига масъулият билан ёндашмоқда.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Давра суҳбати

# Дастуриламал маъруза

## ЎзМТДП ташкилотларида кенг ўрганилмоқда

***Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир" номли маърузасида Асосий қонунимизда мужассам принциплар, қоидалар ва нормалар бугунги кун замон талабларидан келиб чиқиб олдимизга қўйилган вазифаларни ҳал қилишимизга имкон беришини яна бир бор намоён этди. Ушбу маъруза мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш бўйича ЎзМТДП ташкилотлари жойларда давра суҳбатлари ўтказмоқда. Шундай тарғибот тадбирларидан бири ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши томонидан ўтказилди.***

Давра суҳбатида таъкидланганидек, Конституциямизда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратилганлиги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришган ютуқларимизнинг асосий омилидир. Бугунги кунда юртдошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда, уларнинг юртимиз равнақи, шаҳар ва қишлоқларимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнига дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти юксалмоқда. Юртдошларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти обод шаҳару қишлоқларимизнинг янада чирой очаётган қиёфасида, мамлакатимизнинг жаҳонда нуфузи ортиб бораётганида, Ўзбекистон байроғи ҳар йили ўнлаб халқаро спорт мусобақаларида, санъат фестивалларию анжуманларда баланд ҳилпираётганида намоён бўлмоқда. Бу, албатта, ҳар бир ҳамюртимизнинг дилида фахр-ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Аммо эришган муваффақиятларимиздан хотиржамликка берилмаслигимиз зарур. Келажак олдидаги масъулият халқимизни янги марралар сари интилишга, доимо изланиб яшашга, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан изчил одимлашга ундайди.

Президентимиз маърузасида сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганини алоҳида эътироф этди. Дарҳақиқат, бугунги кун талабидан келиб чиқиб Конституциямизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида юртимизда кўппартиявийлик тизими мустаҳкамланди, партиялараро рақобат кучайди. Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислоҳотларни изчил амалга оширишнинг муҳим омилига айланди.

Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишдек ушбу шарафли вазифа Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги шиори остида саъй-ҳаракат олиб бораётган ЎзМТДП фаоллари зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. Партиямиз дастурида белгиланганидек, сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланишини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча хизматларнинг қулайлигини, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этишни таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш соҳанинг ривожида муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

— Туризм иқтисодиётнинг истиқболли соҳаси ҳисобланади, бу тармоқни ривожлантириш, халқаро андозаларга мос фаолият кўрсатишини таъминлашимиз керак, — деди тадбирда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати Зафар Абдираимов. — Шу боис партия гуруҳимиз фаолиятининг илк ташаббуси сифатида вилоятда сайёҳлик инфратузилмасини, сайёҳлар учун мўлжалланган объектлар ва уларни кадрлар билан таъминланиш аҳволини ўрганиш ҳамда уларни яхшилаш, соҳага замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш масаласини вилоят Кенгаши сессиясига олиб чиқишни режалаштирмоқда.

Таъкидланганидек, халқимиз турмуш даражаси ва сифати ошиб бораётганлиги боис мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони йил сайин ошиб, 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этмоқда. Бу бизнинг бахт-иқболимиздан яна бир нишонадир. "Қариси бор уйнинг париси бор" деган ибратли фикр замирида хонадон файзи ёши улуғ инсонлар билан эканлиги англашилади. Қарияларимизга қанча кўп эътибор кўрсатсак, юртимиз шунчалик серфайз бўлади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга эътибори унинг маданий даражасини белгилайди.

— Президентимиз томонидан 2015 йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном берилиши халқимиз азму шижоати, бунёдкорлик фаолиятига янги кайфият, илҳом бахш этди, — деди тадбирда сўзга чиққан "Ўзсаноатқурилишбанк" ОАТБ Хоразм минтақавий филиалида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Музаффар Матназаров. — Жорий йилда ЎзМТДП фаоллари, жумладан, бизнинг қуйи бўғин аъзолари ҳам ёши улуғ, кекса отахону онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасидаги ишларга самарали ҳисса қўшишга алоҳида эътибор қаратади. Қарияларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадрияти эканлигини ёшлар онги-шуурига сингдиришга қаратилган тарғибот тадбирлари кўламини кенгайтириш ниятидамиз. Бу жараёнда партия депутатлик корпуси билан ҳамкорликни кучайтириш ҳам катта самара беради.

**Алишер РАҲМОН,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Конференция

# ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида

**муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик бошланди**



**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

ЎзМТДП Ғаллаорол, Зарбдор, Жиззах, Зафаробод, Дўстлик туманлари, Жиззах шаҳар Кенгашлари конференцияларида кун тартибидаги масалалар билан бирга, жамоатчилик назоратини кучайтиришда партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги янги таркибдаги партия гуруҳларининг амалий саъй-ҳаракат ва ташаббуслари кўламини кенгайтириш, партия ташкилотлари билан партия гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўтган даврда йўл қўйилган хато ва камчиликларни келгуси фаолиятда такрорламаслик учун зарур чора-тадбирлар қўллаш, тадбирларни мазмунан бойитиш орқали аҳолининг барча қатламини кенг жалб этиш масалалари қизғин муҳокама қилинди.

— Сайлов — халқ хоҳиш-иродаси, сиёсий тафаккури маҳсули, — деди ЎзМТДП Зомин туман Кенгашининг конференциясида ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси Алишер Орипов. — Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан илдам бораётган мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун мазкур сайловнинг аҳамияти беқиёс. Мамлакатимиз қонунчилигига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Ушбу ваколатнинг ўзиёқ сиёсий партияларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги роли ва мавқеи қанчалар муҳимлигини кўрсатади. Шу маънода Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси учун ҳам сайловда иштирок этиш масъулиятли вазифадир.

Конференцияларда партия фаоллари томонидан кун тартибидаги масалалар қизғин муҳокама қилиниб, ЎзМТДП Жиззах вилоят ташкилотининг конференциясига делегатлар сайланди.

***Бозорбой РАИМҚУЛОВ, халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, конференция делегати:***

— Сайловлар ва сиёсий партиялар - демократиянинг, сиёсий тизимнинг ажралмас қисми. Мустақил тараққиёт йўлидан дадил бораётган мамлакатимизнинг ўтган давр мобайнида эришган натижаларини сарҳисоб қилсак, ҳар иккала тушунчанинг ўзимизга хос ва мос қирраларини амалий тажрибада кўрсата олдик. Сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат муҳити тобора ривожланиб, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кенгаяётган бир пайтда бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ушбу соҳада мамлакатимиз қонунчилигида белгиланган қоида ва нормаларнинг амалда таъминланишига, демократия ва умуминсоний қадриятларга содиқликни амалда намоён этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Зафаробод туман Кенгаши конференциясида Президент сайлови юзасидан партия ташкилотининг тайёргарлигини кучайтириш, жумладан, сайловчиларнинг ЎзМТДПдан кўрсатилган номзоднинг иштирокини қўллаб-қувватлашга қаратилган имзоларни ўз вақтида тўплаш, сайловнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш ишларини самарали ташкил этишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

* * *

**ХОРАЗМ.** ЎзМТДП Урганч шаҳар ташкилоти конференциясида партиямизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

— Партия ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш бўйича тайёргарлик ишларини бошлаб юборди, — деди партия шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Жуманиёзов. — Бугун мавжуд 84 бошланғич партия ташкилоти фаолларининг барчаси мамлакат Президентлигига ЎзМТДПдан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчилар имзосини тўплаш ишларига жалб этилган.

Таъкидланганидек, партиямиз мазкур сайловда иштирок этар экан, ўзининг сиёсий тажрибасини орттириши баробарида дастурий мақсад-вазифаларини яна бир карра тарғиб қилиш имкониятига эга бўлади.

Анжуманда вилоят ташкилотининг IV конференциясига делегатлар сайланди. Шунингдек, вилоятдаги бошқа партия маҳаллий ташкилотларида ҳам партиямизнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштирокига бағишланган конференциялари бўлиб ўтди.

* * *

**НАМАНГАН.** Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят туман ва шаҳар ташкилотларининг конференциялари бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман ва шаҳар ташкилотининг иштироки тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси доирасидаги барча тадбирлар сайлов қонунчилигининг асосий принцип ҳамда талабларига амал қилган ҳолда ўтказилиши таъкидланди.

Конференцияда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар режаси"га асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия амалга ошириши лозим бўлган чора-тадбирлар иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди. Унга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиз кўрсатган номзодни қўллаб-қувватловчи фуқаролар имзоларини тўплашда фаоллик кўрсатиш, номзоднинг сайловолди ташвиқотларини ташкил этиш ва бир қатор масалаларга партия фаоллари томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Уларда вилоятдаги ЎзМТДП туман ва шаҳар ташкилотларининг конференциялар кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб, ЎзМТДП вилоят ташкилотининг IV конференциясига делегатлар сайланди.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**Алишер РАҲМОН,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари,**
**Азамат ҚОСИМОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши матбуот котиби**

⊙ Партия лойиҳаси — амалда

# Қадриятга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз

***Халқ менталитетига хос, унинг турмуш тарзи, ҳаётий тутумларига ҳамоҳанг янги анъаналар йиллар ўтгани сайин қадриятга айланиб бориши ҳаётий ҳақиқат. Масалан, бундан анча йиллар олдин қизларнинг, айниқса, қишлоқ қизларининг шаҳарга келиб, олий таълим даргоҳларида билим олиши, аёлларнинг эркаклар билан елкама-елка туриб корхона ва ташкилотларда меҳнат қилишини тасаввур қилиш қийинроқ эди. Аммо, халқимиз азалдан аёлни эъзозлаб келган, оилаларда қизларнинг ўқимишли, оқила, доно, тарбияли бўлиши учун алоҳида эътибор қаратилган.***



Истиқлол туфайли халқимиз қалбининг туб-тубидаги бу истак куртак ёзди. Бугун хоҳ қишлоқ, хоҳ шаҳарда бўлсин, ҳар бир ота-она ўғил фарзандлари билан бир қаторда қизларини ҳам олий маълумотли қилиш, улар учун барча шароитни яратиб беришни ўз бурчи деб билади. Ўзбек қизлари дунёнинг энг ривожланган давлатлари ёшлари ҳавас қиладиган ютуқ ва марраларни эгалламоқда, аёллар ҳам оила, ҳам жамият ишида фаоллик кўрсатаётир. Бу яхши анъаналар халқ ҳаётига сингиб, қадриятга айланиб боришининг оддий ҳаётий мисоли, холос.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг энг навқирон "Қадриятга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз" лойиҳасини яратишда ҳам ана шу мезон назарда тутилган эди. Яъни, истиқлол туфайли ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар боис нишонланаётган янги байрамлар, турли саналар аста-секин қадриятларимизга айланиб, ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётгани миллий ва замонавий тараққиёт уйғунлигига эришишни мақсад қилган ЎзМТДПнинг назаридан четда қолмади. Юртимизда турли саналар муносабати билан ўтказиладиган тадбирларни мазкур лойиҳа доирасида ташкил этиш ва бу орқали электорат вакилларида қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш лойиҳанинг асосий мақсадидир.

— Партиямиз парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сайловига "Мақсадимиз — миллий тикланиш орқали ривожланган замонавий демократик жамият сари" деган шиор билан кириб борди ва сайловчилар ишончини қозонди, — дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев. — Миллий ва замонавий ривожланиш тарафдори сифатида халқимизнинг айни дилидаги истакни англаганимиз улар ишончини қозонишда муҳим омил бўлди. Бу борада "Қадриятга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз" деб номланган лойиҳа ўз хайрихоҳлари ва қўллаб-қувватловчиларини топгани биз учун айни муддао бўлди. Мазкур лойиҳа доирасида партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари ўтказаётган тадбирлар аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларда халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат уйғотиш, юртимизда нишонланадиган байрамларни катта шодиёна ва кўтаринки кайфиятда кутиб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўтказаётган тадбирларда миллий қадрият ва анъаналаримизни асраш, уларни улғайиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Наврўз — миллий анъана ва қадриятларимиз кўзгуси", "Ассалом Наврўз", "Хуш келдинг баҳор — хуш келдинг Наврўз", "Миллий ўйинларимиз ва миллий таомларимиз", "Наврўз ила гўзалдир олам", "Баҳоринг муборак бўлсин, она юрт!", "Энг қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўз" мавзуларидаги тадбирлар ушбу байрамнинг халқимиз маънавиятида тутган ўрнига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Партиямиз навқирон авлод вакилларини ҳам миллий, маънавий, тарихий қадриятларимиз, ҳам бугунги замон талаблари асосида вояга етказиш тарафдори, — дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси Акбар Жиянов. — "Қадриятларимизга айланиб бораётган замонавий анъаналаримиз" лойиҳаси ҳам шу мақсадни кўзлаган. Лойиҳа мамлакатимизда истиқлол йилларидан кенг нишонлана бошланган Конституция куни, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро болалар куни, Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, Халқаро Хотин-қизлар куни, Халқаро оила куни байрамлари моҳиятини аҳолига тушунтиришга хизмат қилмоқда. Биргина Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Зиёрат карвони" тадбири доирасида партиямизнинг бир гуруҳ фаоллари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва ҳарбий хизматчилар оилаларидан хабар олишмоқда. Бу тадбир халқимизга хос эзгулик, мурувват, саховатпешалик туйғуларини ёшлар онгига сингдириш ва жойларда партиянинг дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилаётир.

Буюк тарих нурли келажак сари йўл очади, дейишади. Ёш авлод вакилларини халқимиз тарихи, анъана ва қадриятларига содиқ, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашни ўзининг эзгу мақсадларидан бири деб билган ЎзМТДПнинг мазкур лойиҳаси бугунги давр ёшлари, орзу-истаклари ва ҳаёт тарзи билан муштарак. Лойиҳа Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам партия электорати, айниқса, ёшларни ўз атрофида бирлаштиради. Бу эса замонавий анъаналарнинг қадрият сифатида шаклланишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Хроника

# Ёшлар тарбияси — партиянинг устувор вазифаси

**ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилган тадбирлар, асосан, ана шу мавзуга қаратилди**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Қўнғирот туман Кенгаши "Кексалари эъзоз топган юрт" мавзусида тадбир ташкил этди. Тадбирда сўз олганлар кексаларни эъзозлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилат экани, жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номлангани истиқлолнинг илк йилларидаёқ кексалар турмуш фаровонлигини таъминлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилиши, ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ҳамда депутатлар қабул қилинажак Давлат дастури ижросини таъминлашда алоҳида фаоллик кўрсатишлари лозимлигини қайд этишди.

Кексаларни эъзозлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаш — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг доимий эътиборида. Чунки нуроний отахону онахонларимиз бор экан, қадрият ва анъаналаримиз бардавом, миллий урф-одат ва удумларимиз барҳаёт. Меҳнатсевар, ҳалол-пок, диёнатли, эл иши учун фидойи инсон бўлиб улғайишни истаган ҳар бир ўғил-қиз кексалар ҳаётий тажрибасидан, албатта, ибрат олиши лозим. Бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиш айни эзгу мақсадларга ҳамоҳанг ва уйғундир.

## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Яккасарой туман Кенгаши "Ёшлар қаноти" "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида "Маънавият — халқимизнинг бугунги ҳаёти, тақдири ва ёшлар келажагини белгилайди" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни миллий анъаналар, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни маънавиятимиз учун зарарли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Ахборот глобаллашуви туфайли турли мафкуравий таъсирлар, айниқса, ёшлар тафаккурини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар тобора кучаяётган бугунги кунда бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Партиянинг бу каби тадбирларни мунтазам ўтказиши навқирон авлод вакилларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосларини кенг тушунтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, юрт келажагига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган баркамол авлод қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

## НАМАНГАН

ЎзМТДП Наманган туман Кенгаши "Ёшлар тарбияси — ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан бири" мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Тадбирда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ёш авлоднинг таълим-тарбияси масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари яратилиб, унинг ижроси доимий назорат қилиб борилаётгани таъкидланди. Бугун глобаллашув даврида ёшлар маънавиятига таҳдидлар кучайган бир пайтда, уларни миллий тарих ва халқ анъаналарига чуқур ҳурмат туйғуси билан тарбиялаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар ёшларни халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш сингари партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Тадбирда оилаларда фарзандларга тўғри тарбия бериш, уларнинг билим олиш, касб-ҳунар эгаллашларини жиддий назорат қилиб бориш, спортга жалб этиш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ёрдам кўрсатиш борасида фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар билдирилди.

## АНДИЖОН

ЎзМТДП Бўз туман Кенгаши "Миллий қадрият ва урф-одатларнинг ёшлар маънавий ва жисмоний саломатлигида тутган ўрни" мавзусида тадбир ўтказди. Тадбирда сўз олганлар халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, кўп асрлик қадрият, анъана ва урф-одатларни кенг тарғиб қилиш, юртимиздаги тарихий обидаларни, ота-боболаримиздан мерос маънавий ва моддий бойликларимизни келажак авлодга етказишга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор дастурий мақсад-вазифаларидан саналишини таъкидлашди. Партия ўтказаётган бу каби тадбирлар навқирон авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда уларда Ватан келажагига дахлдорлик ҳиссини мустаҳкам қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

## СИРДАРЁ

ЎзМТДП Сайхунобод туман Кенгаши "Аёллар қаноти" "Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар" мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

— Бугунгидек тезкор ахборот алмашинуви даврида "оммавий маданият" миллий маданиятимиз келажаги учун жиддий хавф солмоқда. Бу эса болаларимизни турли салбий ғоялардан ҳимоя қилишни долзарблаштирмоқда, — деди тадбирда партия туман Кенгаши раиси ўринбосари Б.Қаршиев. — Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун эса, аввало, уларнинг қалби ва онгида соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини, интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш борасидаги тушунтириш-тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш даркор.

Тадбирда "оммавий маданият" таҳдидлари ва унинг салбий оқибатларининг олдини олиш, миллий маданиятимизни тарғиб этувчи қизиқарли тадбирларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

## ЖИЗЗАХ

| 364 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 97,98,99,100,101,102,103 | 19 февраля 2015 года в 16:00 |
| 365 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 104,105,106,107,108,109,110 | 19 февраля 2015 года в 16:00 |
| 366 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 111,112,113,114,115,116,117 | 19 февраля 2015 года в 16:30 |
| 367 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 118,119,120,121,122,123,124 | 19 февраля 2015 года в 16:30 |
| 368 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 125,126,127,128,129,130,131 | 19 февраля 2015 года в 17:00 |
| 369 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 132,133,134,135,136,137,138 | 19 февраля 2015 года в 17:00 |
| 370 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 139,140,141,142,143,144,145 | 19 февраля 2015 года в 17:30 |
| 371 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 146,147,148,149,150,151,152 | 19 февраля 2015 года в 17:30 |
| 372 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 153,154,155,156,157,158,159 | 19 февраля 2015 года в 18:00 |
| 373 | Хорезм | Урганч | Тандирчи | 7 | 160,161,162,163,164,165,166 | 19 февраля 2015 года в 18:00 |
| 374 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 7 | 1,2,3,4,5,6,7 | 19 февраля 2015 года в 18:30 |
| 375 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 7 | 8,9,10,11,12,13,14 | 19 февраля 2015 года в 18:30 |
| 376 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 7 | 15,16,17,18,19,20,21 | 19 февраля 2015 года в 19:00 |
| 377 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 7 | 22,23,24,25,26,27,28 | 19 февраля 2015 года в 19:00 |
| 378 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 8 | 29,30,31,32,33,34,35,36 | 19 февраля 2015 года в 19:30 |
| 379 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 8 | 37,38,39,40,41,42,43,44 | 19 февраля 2015 года в 19:30 |
| 380 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 8 | 45,46,47,48,49,50,51,52 | 19 февраля 2015 года в 20:00 |
| 381 | Хорезм | Хонка | Дустлик | 8 | 53,54,55,56,57,58,59,60 | 19 февраля 2015 года в 20:00 |
| 382 | Хорезм | Хонка | Коракош | 7 | 1,2,3,4,5,6,7 | 20 февраля 2015 года в 12:00 |
| 383 | Хорезм | Хонка | Коракош | 7 | 8,9,10,11,12,13,14 | 20 февраля 2015 года в 12:00 |
| 384 | Хорезм | Хонка | Ширин | 8 | 1,2,3,4,5,6,7,8 | 20 февраля 2015 года в 12:30 |
| 385 | Хорезм | Хонка | Ширин | 8 | 9,10,11,12,13,14,15,16 | 20 февраля 2015 года в 12:30 |
| 386 | Хорезм | Янгибозор | Оча-калъа I | 7 | 1,2,3,4,5,6,7 | 20 февраля 2015 года в 14:00 |
| 387 | Хорезм | Янгибозор | Оча-калъа I | 7 | 8,9,10,11,12,13,14, | 20 февраля 2015 года в 14:00 |
| 388 | Хорезм | Янгибозор | Оча-калъа I | 7 | 15,16,17,18,19,20,21 | 20 февраля 2015 года в 14:30 |
| 389 | Хорезм | Янгибозор | Оча-калъа I | 8 | 22,23,24,25,26,27,28,29 | 20 февраля 2015 года в 14:30 |
| 390 | Хорезм | Янгибозор | Оча-калъа I | 6 | 30,31,32,33,34,35 | 20 февраля 2015 года в 15:00 |
| 391 | Хорезм | Янгибозор | Оча-калъа II | 5 | 1,2,3,4,5 | 20 февраля 2015 года в 15:00 |
| 392 | Хорезм | Янгибозор | Юкори Бошкир | 7 | 1,2,3,4,5,6,7 | 20 февраля 2015 года в 15:30 |
| 393 | Хорезм | Янгибозор | Юкори Бошкир | 7 | 8,9,10,11,12,13,14 | 20 февраля 2015 года в 15:30 |
| | ИТОГО | | | 310 | | |
| | ВСЕГО | | | 1 138 | | |

**⊙ Обод гўша**

# Миллий гилам — асл мол

**унинг қадр-қиммати саноат намуналаридан баланд туради, дейди Холмингли момо**

***Қашқадарё вилояти ўз тарихи, урф-одат ва анъаналарга бойлиги билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларни ҳам ўзига жалб қилиб келмоқда. Вилоятнинг қатор туманлари сингари марказдан олис, қўшни Бухоро вилояти билан чегарадош бўлган Муборак туманида тўртта қишлоқ, ўн еттита маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Аҳоли сони 73 мингдан зиёд.***



Туман аҳолиси халқ хўжалигининг турли йўналишларида, жумладан, ишлаб чиқариш ва саноат, хусусий корхона ва фермер хўжаликларида меҳнат қилиш баробарида, чорвачилик билан ҳам шуғулланади. Истиқлол туфайли туманда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари жадал тус олди. Туман маркази ва олис қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, маҳаллаларни янада обод этиш, ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, уларнинг онгу шуурини миллий ҳаёт тарзимизга зид ва бегона бўлган салбий иллатлардан асраш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш, аҳоли саломатлиги, турмуш тарзини яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида халқимизнинг турмуш даражаси, ҳаёт сифати ошмоқда, — дейди "Муборак" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нурилла Хиддиев. — Ҳудудимизда маҳалла, қишлоқ, мактаб, касб-ҳунар коллежи ҳамда қишлоқ врачлик пункти мавжуд бўлиб, 11,7 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатиб келади.

Маҳалла ва қишлоқлар тинчтотувлиги, ҳудудларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини кўриб, дилинг яйрайди. Аҳоли саломатлиги йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам таҳсинга лойиқ. Туманда она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида соғлом фарзандлар улғаймоқда. Таълим масканларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар, нуроний отахону онахонлар режага кўра чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Болаларни соғломлаштириш мақсадида ўтган ёзги таътилда 43 нафар ўғил-қиз Яккабоғ, Китоб туманларидаги "Газчилар", "Мингчинор" ва "Ниҳол" ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиб қайтишди.

Ҳудуддаги "Янги қорақум" массивида бунёд этилган 420 та намунавий уй-жойлар маҳалла кўркига кўрк қўшиб, кўплаб оилаларга қувонч олиб келди. Маҳалла ва қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳудуднинг неча минг йиллик тарихидан дарак берувчи урф-одатлари, анъаналари, жумладан, миллий ҳунармандчилигимизнинг кўплаб йўналишлари билан мунтазам шуғулланиб келади.

Муборакликлар қадимдан чорвадор эл. Шу боис, чорва моллаunion олинадиган жун маҳсулотларидан тайёрланадиган "Довруғ", "Ари уяси", "Атлас нусха" ва "Сарма" каби турли номдаги қадимий гиламлар тўқиш яхши ривожланган. Хотин-қизларнинг кўпчилиги ҳунарманд: каштадўз, чевар, телпакдўз. Улар касаначилик билан доимий шуғулланиб келади. Биргина "Кўҳна шаҳар" маҳалласи Туркман қишлоғида истиқомат қиладиган Холмингли Сойибованинг гиламдўзлик борасидаги кўп йиллик тажрибаси бунга далил.

— Гиламларни тайёрлаш учун аввал керакли миқдордаги қўй жуни ювиб қуритилиб, таралади, — дейди Холмингли момо. — Сўнгра ип қилиб тайёрланиб, рангланади ҳамда нусха орқали босқичма-босқич тўқилади. Гилам тўқишнинг қийинчилиги ҳам бор. Бу тайёрланаётган маҳсулотнинг имкон қадар миллий бўлиши билан боғлиқ. Миллий гилам — асл мол. Унинг қадр-қиммати саноат намуналаридан баланддир, — дейди момо.

Момо ва унинг келини Жумасултон Сойибова тўқиган гиламлар кўплаб хонадонлар, турли коллекциялар кўрки бўлиб келган. Холмингли момо қўлидаги бу ҳунарни ёш авлодга ўргатишдан чарчамайди. Ҳозирда ушбу жозибадор ҳунар сирларини мукаммал ўрганган шогирдлари етти нафарга етди. Бу эса "устоз-шогирд" анъаналарининг давомийлигини таъминламоқда.

**Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири**

**⊙ Учрашув**

# Бахши билан юзма-юз

***Халқимиз маънавиятининг азалий ва абадий мезонлари халқ оғзаки ижодида мужассам. Бу бебаҳо бойлик замон тафаккури ва қарашларига уйғун ривожланиб, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.***

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов билан учрашув бўлиб ўтди.

Достончилик халқ оғзаки ижодининг қадимий анъаналарини ўзида сақлаб келади. Азалдан бахшилар ижросидаги достонни эшитиш учун махсус кечалар уюштирилган. Тўй-ҳашамлар бахшилар иштирокисиз ўтмаган. Бахшилар достон ва қўшиқларни дўмбира, дутор ва бошқа созлар жўрлигида, айрим вақтларда мусиқа асбобисиз ҳам куйлаган.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли миллий тикланиш жараёнида ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳам халқимизнинг бебаҳо маънавий дурдонаси сифатида ўз ўрнини топди, — дейди бахши. — Кўплаб достонларнинг тўла нашри китобхонлар қўлига тегди, уларни кенг кўламда илмий ўрганишга киришилди. Халқимизда "Бахшили эл — яхшили эл" деган ҳикмат бор. Аслида ҳам бахшилар халқ маданияти ва маънавиятини юксалтириш, она тилини бойитиш, оила ва жамиятда эзгу анъаналарни қарор топтиришдек улуғ мақсадларга хизмат қилади. Юртимизда халқимизнинг номоддий маданий меросларидан бири бўлган бахшичилик санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ютуқлар омили бўлмоқда.

Учрашувда бахши йиғилганларга достончилик санъати тарихи, унинг усул ва ижро йўналишлари ҳақида гапириб берди. Шундан сўнг, бахши "Гўрўғли" достони туркумига кирувчи "Малла савдогар" достонини дутор жўрлигида ижро қилиб берди.

**Ҳ.АБДУНАЗАРОВ**

⊙ Бизнинг шарҳ

# Тилла қимматми, шох?

**Африкада браконьерлар фаолиятига чек қўйилмаётгани сабабли қитъадаги айрим жониворларнинг бутунлай қирилиб кетиш хавфи мавжуд**

*Жаҳон ёввойи табиат жамғармаси сўнгги йилларда Африка қитъасида браконьерлар билан боғлиқ вазиятдан ташвишга тушмоқда. Сабаби, ўтган асрнинг 80-йилларидан то 2006 йилгача бўлган давр мобайнида оқ ва қора каркидон ўртача 63 фоизга, ўрмон филлари эса 2002-2011 йиллар оралиғида қарийб 60 фоизга камайган. Ўрмонларнинг кесилиши ва ерларнинг инсон томонидан ўзлаштирилиши натижасида филлар тарихий яшаш жойларининг бор-йўғи 7 фоизида "истиқомат қилишмоқда".*









Мазкур жамғарманинг маълумотларига қараганда, минтақада 2007-2013 йилларда браконьерлар сони беш баравarга ошган. Улар, асосан, фил ҳамда каркидонни ноқонуний овламоқда. Африканинг айнан бу жониворларига талабнинг юқорилигига асосий сабаб — уларнинг қимматбаҳо шохларидир. Филларни оммавий қириш билан боғлиқ сўнгги ўн йилликдаги энг салбий ҳолат 2012 йилда Камерундаги Буба-Нжида боғида юз берди. Гранатомёт ва автоматлар билан қуролланган овчилар 300 дан зиёд филни қириб юборди. 2013 йилда 700 га яқин каркидон ўлдирилди.

Маҳаллий табиатни муҳофаза қилувчилар браконьерларнинг йўлини тўсишга ҳарчанд уринишмасин, натижани кўнгилдагидек деб бўлмайди. Чунки Африка кенгликларини назорат қилиш имкони йўқ, техника воситалари етарли эмас. "Чақирилмаган меҳмонлар"дан кўпроқ миллий хиёбонлар ва қўриқхоналарда яшаётган жониворлар жабр кўрмоқда. Аслида Африка филлари ва каркидонларига қирон келтириш XX асрнинг 60 йиллари охирига келиб тақалади. Айнан шу пайтдан фил суягидан ҳунармандчилик буюмлари ясаш урфга кирган, каркидон суягидан дори воситалари тайёрлаш бошланган. Ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси Конвенцияси (Convention on the Trade of Endangered Species, CITES) қарорига мувофиқ, 1977 йилдаёқ каркидон шохини сотиш таъқиқлаб қўйилганига қарамай, 1980 йилга келиб, вазият кескин мураккаблашди. Африка филлари йигирма йил ичида деярли икки баравarга, қитъанинг шарқий мамлакатларида эса 80 фоизга камайган. Қитъа браконьерлари жонивор шохларини Осиёга, асосан, Хитой ва Вьетнамга етказмоқда (осиёликларнинг аксарияти ундан тайёрланган дори воситаси спиртли ичимлик истеъмолидан кейинги бош оғриғидан то саратоннинг охирги босқичи ҳамда ОИТСни даволашда ёрдам беришига ишонадилар). Аслида эса каркидон шохи айтарлик шифобахш таркибий тузилмага эга эмас. Буни илмий тадқиқотлар ҳам исботламоқда.

Экспертлар фикрича, ўтган асрнинг 90-йилларида йўқолиб бориш хавфи остида қолаётган жониворлар аъзосининг контрабанда олди-сотдиси энг етакчи, даромадли бизнесга айланди. 1992 йилда контрабанда савдосининг умумий ҳажми икки юз миллиард долларни ташкил қилган бўлса, уларнинг 10 миллиарди "жонли табиатдан тайёрланган буюмлар" ҳиссасига тўғри келади. Халқаро қора бозорда браконьерларнинг бундай савдо кўлами қора дори ва қурол-яроғ контрабандасидан кейинги ўринни эгаллайди. Браконьерлар ҳужумидан, айниқса, ўз табиати ва ҳайвонот оламини етарли даражада муҳофаза қила олиш имкониятига эга бўлмаётган "учинчи дунё мамлакатлари" жабр кўрмоқда.

1989 йилдан Африка браконьерлари қўлга киритган фил суяклари экспортининг 80 фоизи Осиё мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади. 1985 йилда каркидон суякларидан тайёрланган ҳар қандай маҳсулот импорти ман этилганига қарамай, Тайвань ноқонуний овчилар қўлга киритган маҳсулотларнинг асосий истеъмолчисидир. Шарқ мамлакатларида каркидон суяклари, ҳатто, олтиндан ҳам қимматга баҳоланади.

Жониворларнинг аъзолари билан савдо қилувчи Браконьерларга қарши кураш ўтган асрнинг 80 йилларида кучайди. Африканинг аксарият мамлакатлари ноёб жониворларнинг аъзоларидан тайёрланган маҳсулотлар савдосини тўлиқ ман қилишни талаб қила бошлади. Жамоатчиликнинг эътиборини филларнинг қириб юборилишига қаратиш мақсадида 1989 йилнинг июлида Кения табиатни муҳофаза қилиш хизмати давлат захирасидаги фил суякларини оммавий ёқиб юборди. 1990 йилларда тахминан 130 мамлакатда фил суягидан ясалган буюмларнинг халқаро савдоси ман этилди. Натижада, қитъага ташриф буюрган америкалик, англиялик, францияліk сайёҳлар фил суягидан ясалган сувенирларни харид қилишса-да, (улар билан савдо қилиш Африканинг кўплаб давлатларида, фақат мамлакат ичкарисидагина рухсат этилган) бироқ божхона назоратидан ўтолмай, харид қилган буюмларини топширишга мажбур бўлишарди.

Ҳозирги кунда ҳам браконьерларга қарши курашиш қитъа давлатларига осон бўлмаяпти. Бу, аввало, камайиб бораётган жониворлар яшайдиган давлатларда маблағ муаммосининг мавжудлиги билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 80-йилларида юритилган ҳисоб-китобларга қараганда, фил ва бошқа жониворлар яшайдиган ҳар квадрат километрни самарали муҳофаза қилиш учун 200 доллардан кам бўлмаган маблағ талаб этилади. Ҳеч бир қитъа давлати, ҳаттоки ЖАР ҳам бундай харажатга тайёр эмас. Бироқ шунга қарамай, браконьерларга қарши энг фаол кураш олиб бораётган мамлакат — Жанубий Африка Республикаси. Боиси, дунёда мавжуд каркидонларнинг тахминан 60 фоизи ЖАРда, филларнинг тахминан 40 фоизи эса ЖАР, Зимбабве, Намибия, Замбия ҳудудида яшайди. Қириб юборилаётган жониворларни сақлаб қолиш, браконьерликка қарши курашиш мақсадида ЖАРда 1989 йилда махсус полиция хизмати ташкил этилди (ESPU - Endangered Species Protection Unit). Бу эса тезда ўзини оқлади. 1991-1995 йилларда мазкур хизмат 400 дан зиёд каркидон шохларини, 3,4 мингдан зиёд фил суякларини қўлга киритиб, уларнинг ноқонуний олди-сотдисига барҳам берилди.

Олимларнинг тадқиқоти шуни кўрсатяптики, Осиё давлатлари, хусусан, Хитойда уларга бўлган талаб нисбатан юқори бўлгани учун 2010-2012 йилларда юз мингга яқин қуруқликнинг энг йирик жонивори — филлар овчилар қурбонига айланди. Мазкур камёб маҳсулотга бўлган талабнинг юқорилиги браконьерликнинг ҳали-ҳамон кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу маҳсулотга бўлган талаб, улар нархининг кескин ўзгаришида ҳам намоён бўлмоқда: агар 1993 йилда 1 килограмм каркидон шохи 4,7 минг АҚШ долларига баҳоланган бўлса, 2012 йилга келиб унинг таннархи 65 минг долларни ташкил қилди. Ҳозирда ўлчов бирлиги бўйича каркидон шохларидан тайёрланган маҳсулот олтин, олмосдан ҳам қимматроқ. Табиатдаги каркидон ва филларни муҳофаза қилиш катта маблағ талаб қилмоқда. Қолаверса, бугун браконьерлар ҳам қўриқчилардан кам қуролланмаган, барча техника воситалари, ҳатто вертолётга ҳам эга.

Ҳозирда Африка филлари ҳамда каркидонларнинг барча тури Табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг халқаро қизил китобига киритилган. Айтиш жоизки, қуруқликдаги энг йирик жониворлар — филлар ҳамда каркидонларнинг қирилиб кетаётгани қитъа экологик тизимини хавф остига қўймоқда. Бу эса дунё ҳамжамиятидан ноқонуний овчилик билан боғлиқ масалани кечиктирмай, имкон қадар тезроқ ҳал этишни тақозо этади. Йўқса, кейинги авлод вакиллари бундай жониворларни фақат кино, мультфильм ёхуд расмларда томоша қилиши ҳеч гап эмас.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Қисқа парвоз

**Испанияда ҳарбий ҳаво кучларига тегишли самолёт ҳалокатга учради.**



Самолёт авиабазадан кўтарилиши билан бошқарувни йўқотган ва ангарга қулаб тушган. Бу пайтда иншоотда турли мамлакатлардан келган учувчи ва механиклар бўлган. Оқибатда икки нафар Греция ва саккиз нафар Франция фуқароси ҳалок бўлди, яна 19 киши турли даражада тан жароҳати олган. Ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

## Февраль совуғи

**АҚШда кучли қор бўронлари кузатилмоқда.**



Қўшма Штатларда қалин қор ёққани туфайли икки мингга яқин авиарейс бекор қилинди. Нью-Йоркдаги учта аэропорт ёпиб қўйилган. Бу ерда, шунингдек, жамоат транспорт ҳаракатлари ҳам вақтинча тўхтатилди. Шамолнинг тезлиги секундига 30 метрни ташкил этгани боис, Бостон ва Филадельфия аэропортидаги парвозларнинг 20 фоизи кечиктирилган. Ҳисоб-китобларга кўра, қор бўрони қарийб 58 миллион аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудни қамраб олган.

## 11 соатлик хулоса

**Кема капитани 26 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.**



Италияда прокуратура «Коста Конкордия» капитанини 26 йилга озодликдан маҳрум этилишини талаб қилмоқда. Айбловчи томон ўз хулосаларини 11 соат давомида ўқиб эшиттирди. Унга кўра, капитан томонидан кема ҳаракатининг хавфсизлик қоидалари қўпол равишда бузилган. Хусусан, у йўловчилар эвакуациясини ташкил этиш ўрнига кемани биринчилардан бўлиб тарк этган. Эслатиб ўтамиз, «Коста Конкордия» кемаси 2012 йил 14 январь куни Тиррен денгизи яқинидаги қирғоқда ҳалокатга учраган. Лайнер бортида 4234 киши бўлиб, улардан 32 нафари ҳалокат қурбонига айланган эди.

## Ўқиш орзусида

**Дунё бўйича юз миллиондан зиёд бола мақтабга боришдан маҳрум.**



ЮНЕСКО статистика институти ҳамда БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси ҳамкорлигида тайёрланган ҳисоботга кўра, жаҳонда ҳар беш ўсмирдан бири мактабда ўқимайди. Ер юзида тахминан 63 миллион 12 дан 15 ёшгача бўлган бола таълим ҳуқуқидан маҳрум этилган. Ҳисоботга кўра, бугун кичик ёшдаги ҳар ўн боланинг бири мактабга бормайди. Умумий ҳисобда 121 миллион бола ва ўсмир ҳали ҳеч қачон мактаб остонасига қадам қўймаган ёки уларнинг аксари ўқишни тўхтатган. Ҳисоботга кўра, 2007 йилдан буён мактабда ўқимайдиган ўсмирлар сони деярли ўзгармаган. Уларнинг аксарияти уруш, этник тўқнашувлар ёки ногиронлик шароитида яшамоқда. Бу борада энг салбий ҳолат Эритрея ва Либерияда кузатилмоқда. Ушбу мамлакатларда болаларнинг мос равишда 66 фоиз ва 59 фоизи бошланғич мактабга бормайди. Нигерияда кам таъминланган оилалар фарзандларининг учдан икки қисми мактабга қатнамайди.

## Тез, қулай ва самарали

**Хитойда дунёдаги илк интернет-банк иш бошлади.**



Янги типдаги банк институтининг яратилиши истеъмолчиларга банк сервиси, молия хизматлар кўрсатишни соддалаштириш ғояси билан боғлиқ. Лойиҳани амалга оширишда янги технологиялар жуда қўл келмоқда. Хусусан, улар ёрдамида кредит олувчининг шахсини таниш, шунингдек, кредит билан боғлиқ маълумотлар ҳисоботини юритиш мумкин. Мамлакатда илк интернет-банкни ишга тушириш Хитой ҳукуматининг давлат банклари мамлакат иқтисодиётини назорат қилишини қисқартириш режаси ҳамда молиявий ислоҳотларнинг давоми ҳисобланади. Айни пайтда веб-банк синов тариқасида чекланган миқдордаги мижозлар билан ишламоқда. Келгусида эса фаолият кўламини кенгайтириш режалаштирилган.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди.*

⊙ Рангин дунё

# Муз қоплаган орол

**Шимолий Муз ва Атлантика океанлари оралиғидаги Гренландия оролининг майдони 2166,1 минг квадрат километр. Дания таркибига кирувчи мухторият аҳолиси 56 мингдан зиёд. Пойтахти — Готхоб шаҳри.**

*Тарихий манбаларда қайд этилишича, оролни дастлаб исландиялик денгизчи Гунбьёрн 875 йилда кашф қилган. Уни 982 йили Эйрик Рауда тадқиқ этишни бошлаб, оролга Гренландия ("Яшил ўлка") номи берилади. Орол 1262 йилдан XVIII аср бошигача Норвегияга қарашли бўлган. Узоқ йиллар давомида Дания мустамлакаси ҳисобланган оролга 1953 йилда мухторият мақоми берилди. 1979 йилнинг май ойидан бошлаб орол ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлди.*



Гренландия ҳудудининг 84 фоизи музликлар билан қопланган. Қуруқликнинг муз босмаган қисмлари асосан жануби-ғарбий, шимолий ва шимоли-шарқий қирғоқлардагина учрайди. Гренландия асосан Канада қалқонида жойлашган бўлиб, гнейс, кварцит, мармар ва гранитдан тузилган, усти вулқонсимон чўкинди жинслар билан қопланган. Графит, мармар, мис, темир рудаси, олтин, кумуш, кўмир, қўрғошин, рух ва уран конларига бой. Орол муз қопламининг умумий ҳажми 2,6 миллион куб километр. Музлик тагининг рельефи орол чеккасидан ўртасигача пасая боради. Муз қатламининг ўртача қалинлиги 2300, энг қалин жойи 3400 метр. Музнинг устки қатлами силжиб синади ва кўплаб (йилига 13-15 минг) айсберг океанга тарқалади. Соҳилдаги муздан холи ерларнинг эни баъзи жойларда 200-250 километрга етади. Шарқий соҳилда музликлар билан қопланган тоғ тизмалари бор. Гренландия ва бутун Арктиканинг энг баланд нуқтаси — Гунбьёрн чўққиси (3700 метр) ҳам шу ерда. Соҳилда субарктика, арктика ва денгиз иқлими ҳукмрон. Орол устидан тез-тез циклон шамоллари ўтиб туради.

Ўсимликлар Гренландияда муздан холи бўлган жойларда учрайди. Қарийб 450 ўсимлик тури бор. Оролнинг энг жанубида қайин, четан, ольха, тол, ҳар хил ўтлар, 80 даража шимолий кенгликкача соҳилда тундра ўсимликлари, шимолда мох ва лишайник ўсади. Ҳайвонлардан соҳилда шимол буғуси, оқ айиқ, қутб тулкиси ва бўриси, лемминг, қирғоқ яқинидаги сувларда кит, тюлень, морж яшайди. Жами 170 турдаги парранда бор.

Орол аҳолиси — эскимослар учун ов қилиш жуда муҳим. Шу боис, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 25 фоизи балиқ овлаш билан шуғулланади. Бир йилда 290 минг тонна атрофида балиқ, тюлень ва бошқа денгиз ҳайвонлари овланади. Балиқ тутиш оролда 1920 йилдан кейин авж олди. Айнан ўша йилларда иқлимнинг исиши натижасида орол қирғоқлари яқинида денгиз фаунаси бойиб, треска, сельд, палтус каби балиқлар пайдо бўла бошлаган.

Қутб кити ва тюлени асосан Гренландия денгизини ўзига макон тутган. Денгиз Шимолий муз океани чеккасида, Гренландия, Шпицберген, Медвежий, Исландия, Янмайен ороллари оралиғида жойлашган. Майдони 1195 минг квадрат километр. Ўртача чуқурлиги 1444, энг чуқур жойи 5527 метрни ташкил қилади. Ўртача сув ҳажми 1740 км³. Денгизда совуқ, арктика ҳарорати ҳукмрон. Сувининг ўртача шўрлиги 33-35 фоиз. Ҳар 12 соатда сув сатҳи 4,4 метргача кўтарилиб-пасайиб туради. Сувининг ранги кўпинча яшил тусда бўлади.

Сайёҳларнинг фикрича, майдан июлгача оролда кечалар ёруғ ва ойдин бўлади. Шунданми, аксарият табиат шайдолари айнан шу мавсумда оролга ташриф буюришни хуш кўради. Гренландия, истайсизми йўқми, барибир совуқ ўлка. Бу ерда истаган пайт қор ёғиши мумкин. Энг кўп ёғинлар эса сентябрдан февраль ойига қадар кузатилади.

Сўнгги йилларда орол пойтахти Готхоб сайёҳлик марказларидан бирига айланди. Дания ва Исландия ҳаво кемалари шаҳарга бор-йўғи икки соат ичида элтиб қўяди. Шаҳарнинг эски турар-жой мавзеларида жойлашган кўҳна ибодатхона ва иморатлар, Каяк клуби, қиролича Маргарет мемориал ёдгорлиги сайёҳлар эътиборини тортмай қўймайди. Бундан ташқари, Готхобнинг эски шаҳар қисмида жойлашган бадиий музей, миллий маданият маркази ҳамда шахсий почта қутисига эга Санта-Клаус қароргоҳи диққатга сазовор масканлар сирасига киради. Қолаверса, табиатининг турфалиги боис оролда кўпчиликнинг қадами етмаган, ёввойи табиий манзараларга бой масканлар ҳам бисёр.

**Зафар МУҲАММАД**

Қадриятларимиз

# Ҳунармандчилик анъаналари бардавомдир



*Ҳунармандчилик миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида юртимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати изчил ривожланмоқда. Ота-боболаримиздан мерос боқий қадриятларнинг авлоддан-авлодга ўтиб, халқимизнинг турмуш тарзига ҳамоҳанг равишда ривож топаётганлигини бугун "Ҳунарманд" уюшмаси Навоий вилоят бўлими усталари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Айни кунда мазкур уюшманинг 700 га яқин аъзоси бўлиб, улар ҳунармандчиликнинг 20 дан ортиқ йўналиши бўйича ўз фаолиятларини йўлга қўйишган. Хонадон шароитида ишлаётган ҳунармандлар нафақат юртимизда, балки кўплаб мамлакатларда ўтказилаётган кўргазма ва танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Нурота каштачилик мактаби давомчиларидан бири бўлган Рухсора Тўрақулованинг қўл меҳнати ва қалб қўри самараси бўлган нақшинигор каштачилик маҳсулотларига хорижда ҳам талаб катта. Машҳур тоштарош Абдурайим Турдиев сулоласидан бўлган Тоҳир устанинг мармартошдан ясалган ҳунармандчилик маҳсулотларини ҳам хорижлик сайёҳлар муносиб баҳоламоқда.

— Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартда қабул қилинган "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, уларнинг ижодий ишларини рағбатлантиришда муҳим дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди "Ҳунарманд" уюшмаси Навоий вилоят бўлими раҳбари Абдуқодир Ибрагимов.

Дарҳақиқат, мазкур фармон асосида уюшмага аъзо бўлган ҳунармандлар даромад солиғидан, божхона тўловларидан озод этилди. Улар учун замонавий, қулай ва барча имкониятлар мавжуд бўлган устахона ва савдо дўконлари барпо қилинди. Пировардида ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари, хусусан кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик заргарлик, кулолчилик каби турлари жадал ривожланди.

Таъкидлаш жоизки, воҳанинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос ҳунармандчилик йўналишларига эга. Масалан, Қизилтепа туманида зардўзлик, Хатирчида сандиқсозлик, бешикчилик, темирчилик ривожланган. Учқудуқ, Томди, Конимех туманларида қозоқ, қорақалпоқ миллий ҳунармандчилик анъаналари сақланган бўлса, Кармана туманининг қўли гул тикувчилари тайёрлаётган миллий ва замонавий либосларни кўриб дилингиз яйрайди. Навоий шаҳрида эса миллий қўғирчоқлар ясашга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Боиси ҳар бир ота-она ўз фарзандига маънавий озуқа берадиган, унинг мурғак қалбига қувонч ва ҳайрат ҳадя этадиган ўйинчоқларни харид қилишни истайди. Савдо расталари ва дўконларда эса бундай қўғирчоқлар ҳали етарли эмас. Демак, ҳунармандчиликнинг ана шу турини ривожлантириш, миллий ўйинчоқлар ишлаб чиқарадиган ҳунармандларнинг ишини оммалаштириш баробарида қўғирчоқсозликка қизиқувчиларнинг сафи ҳам кенгайиб бормоқда. Ваҳоланки, 10-15 йил олдин бу ҳунар билан шуғулланувчилар бармоқ билан санарли эди. 2004 йилда ўтказилган "Ташаббус" анъанавий кўрик танловининг республика босқичида ғолиб деб топилиб, олтин медал ва "Матиз" автомобили билан тақдирланган ҳунарманд Елена Кудрявцева имконияти чекланган бўлишига қарамай, ниҳоятда нозик дид ва юксак маҳорат ила яратилган "Нуроталик қиз", "Сурхон қизи", "Водий гўзали", "Самарқанд дилбари" каби миллий қўғирчоқлари билан танилган, "Ташаббус-2008" кўрик-танловининг "Энг матонатли аёл" номинацияси совриндори Людмила Завьялова эътироф этилган. Ана шундай моҳир усталардан бири Навоий маданият ва санъат коллежининг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Раҳимжон Ҳусановдир. Қўғирчоқ ясашни ўзининг севимли машғулоти ва тадбиркорлик манбаига айлантирган Раҳимжон оиласи билан бирга шу ҳунарни ардоқлаб, бутун меҳрини бахшида этиб келмоқда. Рафиқаси Дилсора Раҳматова ҳам педагог. Ёш авлодга бошланғич таълим бериш баробарида турмуш ўртоғининг ижодий изланишларига елкадош. Раҳимжоннинг французча "Pape-Mashe" усулида ясаётган қўғирчоқларнинг миллий либослари ва безакларини Дилсора тайёрлайди. Қизлари Дилноза Нуруллаева ҳам қўғирчоқ ясашнинг сир-асроридан яхши хабардор. Оилавий ҳунармандларнинг юксак дид ва маҳорат билан ишлаган миллий ўйинчоқлари болаликнинг энг беғубор лаҳзаларини ёдга солади. Турли эртак қаҳрамонлари — Зумрад ва Қиммат, Насриддин афанди, чол ва кампир, кенжаботир, малика ва султон. Болажонларнинг севимли қаҳрамонлари акс этган ўйинчоқлар мактабгача тарбия муассасаларида саҳналаштирилаётган қўғирчоқ театрларида намойиш этилмоқда.



— Бир ҳафтада 15 қўғирчоқ ясаймиз. Экологик жиҳатдан тоза ва хавфсиз бу маҳсулотларга талаб катта. Навоий шаҳридаги барча мактабгача таълим муассасаларига буюртма асосида миллий қўғирчоқлар етказиб бердик, — дейди Раҳимжон ўз ишидан мамнунлик туйиб.

"Ташаббус-2011" анъанавий республика кўрик танловининг вилоят босқичида иштирок этиб, "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси совриндори бўлган бу оилавий ҳунармандларнинг ютуқлари кўп. Уларнинг қалб қўри ва юрак тафти билан тайёрланадиган миллий руҳдаги ўйинчоқлар республика миқёсида ўтказиладиган халқаро сайёҳлик кўргазмаларида юқори баҳоланмоқда.

Ҳунарни санъат даражасига кўтарган бу каби оилалар, ёшларимизнинг миллий ҳунармандчиликка қизиқишини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ўралой ТУРДИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Кексалик – хасталик дегани эмас

**Кексайиш мураккаб жараён. Мутахассислар эрта қаришнинг олдини олишда асосан парҳез самарали эканини таъкидлашади.**



Тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино кексалар таомини камайтириш, уларга оғир, ёғли таомларни чеклашни буюрган. Агар кекса инсон худди ёшлигидагидек кўп овқат истеъмол қилса, танасида "ортиқча модда"лар вужудга келади. Улар эса қариш жараёнини тезлаштириб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Улуғ ҳакимнинг фикрича, кексалар кучи ва соғлиғига қараб, икки ё уч марта овқатланиши керак. Бунда қуёш чиққанидан уч соат кейин яхши пиширилган нон ва асал, ҳаммомдан сўнг "юмшатувчи таомлар" билан озиқланиши айни муддао. Кечқурун эса тушликда тановул қилинадиган кучли овқатлар ейиш буюрилади.

Кексалар таомномаси ўткир таъмли, аччиқ, қуруқ, тузланган зираворлардан холи бўлиши керак. Аксинча нон, асал, сабзавотлар (лавлаги, карам, петрушка, пиёз, саримсоқ пиёз), зайтун мойи, эчки сути узилмаслиги зарур. Чунки бу кексалар ҳазм аъзоларида, ичак функциясини яхшилаб, ич қотишининг олдини олади.

БИЛАСИЗМИ?

Мусиқа руҳий зўриқишдан азият чекаётган инсон кайфиятини кескин кўтаради.

* * *

Тенглик "=" белгисидан илк маротаба 1557 йилда инглиз математиги Роберт Рекорд фойдаланган.

ТУРФА ОЛАМ

## Митти компьютер

**Польяк ихтирочилари "сичқонча" ичига жойлаштирилган симсиз компьютер ясашди.**



Компьютер "сичқонча"си шаклидаги концептуал компьютер 4 ядроли процессор, Wi-Fi модули, USB 3.0 порти, 128 Гбайт ҳажмдаги хотира билан жиҳозланган. Ишлаб чиқарувчиларнинг айтишича, компьютерга фақат монитор улаш талаб қилинади, холос. Бу симсиз ускуна Mouse-Box деб аталади. Ҳажман у битта компьютер "сичқонча"сига тенг.

Маълумки, 2014 йилда компьютерлар планшет ва смартфонларга нисбатан анча кам сотилган. Мутахассислар анъанавий компьютерларга бўлган талабни кучайтиришда мана шундай техник янгиликлар қўл келиши мумкинлигини айтмоқда.

## Сувости шаҳри

**Япониянинг Shimizu компанияси "Ocean Spiral" деб номланган сувости шаҳри қурилиши ҳақида маълумот берди.**



Айтишларича, беш минг киши яшайдиган шаҳар ороллардан 3-4 километр чуқурликда бунёд этилади. Шаҳар аҳолисининг асосий фаолияти денгиз тубидаги фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ва илмий лабораторияларда ишлаш бўлади. Лойиҳага биноан, шаҳарнинг катта қисми "Blue Garden" деб номланган диаметри 500 метрдан иборат шарда жойлашади. Унинг ичида турар-жой бинолари, дам олиш ҳудуди, ресторанлар, илмий-тадқиқот маркази ва анъанавий шаҳар инфратузилмасининг бошқа кўплаб элементлари жойлаштирилади. Шаҳар ҳаёти 2035 йилдан тўлиқ изга тушиши кутилаяпти.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Кўргазма

## Япон тасвирий санъати намойиши

**Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвонсаройида "Мўйқаламнинг енгил рақси" деб номланган суми-э анъанавий япон акварель санъати кўргазмаси очилди.**

Кўргазма очилишида Ўзбекистон ва Япония ўртасида маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётгани таъкидланди. Мазкур кўргазма ҳам ушбу жараённинг мантиқий давомидир.

Суми-э санъати Японияга XIV асрда кириб келган: "суми" — "тушь", "э" — "тасвир" деган маънони билдиради. Суми-э — бўёқ ёрдамида чизиладиган япон санъат асари ва бир пайтнинг ўзида медитациянинг ўзига хос фалсафаси ҳамда усули саналади. Уни чизиқлар санъати ҳам дейишади. Чунки Суми-эни яратиш техникаси фақат тўртта тортилган бўёққа асосланади. Унинг ўзига хос фалсафаси жаҳон тасвирий санъатида муҳим ўрин тутади. Санъатнинг ушбу тури ҳозирда нафақат Япония, балки бутун дунёда оммалашиб бораётир.

Кўргазмада 50 дан ортиқ суми-э услубида ишланган расмлар намойиш қилинмоқда. Мавзулари ранг-баранг ва ўзига хос. Экспозициядан "Фудзи тоғи", "Қалдирғоч", "Турна", "Лола", "Сузаётган балиқ", "Нилуфар", "Олхўри" каби санъат асарлари жой олган.

Айтиш жоизки маданият карвонсаройида қатор йиллар мобайнида Япония фаоллари тасвирий санъатнинг турли йўналиш ва жанрлари бўйича умуминсоний қадриятлар, ҳаёт фалсафаси акс этган кўргазмалар ўтказиб келмоқда. Маҳоратни ошириш дарслари ташкил қилиняпти. Улар шубҳасиз, ҳар икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, маданий ҳамкорлик тараққиётига хизмат қилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

Топилма

# "Талитоғора" бағридаги тилсим

*Сурхондарё воҳаси дунё цивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида умуминсоний маданият тамаддунига қўшган бемисл ҳиссаси билан машҳур. Кейинги йилларда воҳа тарихи, ёдгорликларига бўлган қизиқиш тобора ошиб, хорижлик археолог олимлар эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб келмоқда. Вилоятда археологик қазишмалар олиб борилмаган ёдгорликлар ҳали ҳам кўп.*



Бу эса археолог олимларимиздан тинимсиз илмий ёндашув ва изланишни талаб этади. Зеро, асрлар оша ўз қаърида тарихнинг минг бир сиру синоатини сақлаб келаётган тарихий ёдгорликларни ўрганиш, фанга татбиқ этиш, тарих саҳифасига зарҳал битиклар битиш, жаҳоншумул янгилик ва шов-шувларни туҳфа этади.

Яқинда Термиз шаҳрига яқин Сурхон дарёсининг ўзанида жойлашган "Талитоғора" ёдгорлигидан тарихчи-археолог Тўхташ Аннаев тритон ҳайкалини топишга муваффақ бўлди. Оқтошга ўйиб ишланган ярим одам, ярим от ва ярим балиқ кўринишидаги ҳайкалчани ўз даврида маҳаллий усталар юксак маҳорат билан ясаган.

Манбаларга асослансак, Ўрта Осиё халқлари тарихида тритонларнинг пайдо бўлиши, юнон маданияти, яъни Александр Македонскийнинг Марказий Осиёга босқини, икки маданият: юнонлар ва Ўрта Осиё халқлари маданиятининг қўшилиши натижасида пайдо бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

Юнон мифологиясига кўра, Тритон қадимги сув илоҳаси, Посейдоннинг ўғлидир. Айрим манбаларда эса "тритон" — "денгиз оқсоқоли" маъносида ҳам ишлатилади. Унинг ташқи кўринишини ҳайкалтарошлар турлича яратган. Масалан, тритоннинг оёғи дельфин ёхуд балиқ сузгичи кўринишида тасвирланса, тана қисми отнинг кўкрак қисмини эслатади. Шунга кўра, тритон уч кўринишда: одам, от ва балиқ қиёфасидаги афсонавий жонзот тарзида ифодаланган.

"Талитоғора" ёдгорлигидан нафақат тритон ҳайкалчаси, балки сув билан боғлиқ ибодатхона қолдиқлари, яна кўплаб ашёвий манбалар ҳам топилган. Тадқиқотлар ҳозирча поёнига етгани йўқ. Бироқ, бу ердан топилган ашёлар, ибодатхона кўринишида қурилган истеҳком деворлари юртимиз дунё цивилизацияси бешикларидан бири эканлигини яна бир карра исботлади.

— Мустақиллик шарофати билан археологияга қаратилган эътибор боис 2011 йилдан бошлаб ушбу тарихий ёдгорлик кенг кўламда тадқиқ этилди, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти илмий ходими, археолог Тўхташ Аннаев. — Термиз давлат университети ва Термиз Археология музейи ходимларидан ташкил топган илмий гуруҳнинг "Талитоғора" ёдгорлигида амалга оширган тадқиқот ишлари кутилган натижани берди. Бизга маълум бўлишича, сув маъбудига аталган ушбу ёдгорлик баланд кўринишга эга бўлган. Кучли мудофаа деворлари билан ўраб олинган квадрат шаклидаги (47х47м) иншоот ўшанда Сурхондарёнинг Амударёга қуйилиш жойида қад кўтаргани тахмин қилинмоқда. Чунки ёдгорлик дарё бўйида қурилган ва бу ерда топилган ашёвий манбаларнинг барида балиқ тасвири учрайди.

Тарихчи олимларимизнинг таъкидлашича, "Талитоғора"да топилган тритонни тўғридан-тўғри юнон маданияти билан боғлаш бир ёқлама хулоса. Негаки, ҳайкалда ифодаланган от аждодларимиз илоҳий билган ҳайвондир. От тасвири энеолит даврига оид сопол буюмларда ҳам акс эттирилган. Зардуштийлик динида эса ушбу жонивор Аҳурамазданинг илоҳий ҳайвони сифатида тилга олинади. Бундан ташқари, минтақа халқлари ерни кўтариб турган ҳўкизни балиқ устида туради, деб ҳисоблаган. Шундай экан, балиқ тасвири юнонларга нисбатан Марказий Осиё афсонасида ёрқинроқ тасвирланган. Археологик манбалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Чунончи, бронза даврига оид олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар ва бронзадан ясалган муҳрларда ҳам тритонлар мавжуд. Жарқўтон, Келили, Даштли каби ёдгорликларда танаси одам, боши бургут, оёқлари илоҳий қушлар шаклида ясалган тритонларни учратиш мумкин. Бу топилмалар Марказий Осиё халқларининг дунёнинг пайдо бўлиши, ундаги қудратли кучлар, илоҳий мавжудотлар, халқ қаҳрамонлари ҳақидаги мифологик тушунчалари кучли бўлганлигидан далолат беради.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**ЎзМТДП Ангор туман**
**Кенгаши раиси**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят Кенгаши Кенгаш раиси ўринбосари Дилбар Бекчановага волидаи муҳтарамаси

**ЖАМИЛА ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 125, Адади — 12630. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Беҳбуд БОТИРОВ
**Навбатчи:** Ҳасан САЛОМОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.40.
***ISSN 2010-7714***
1 2 3 5